



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI**

**BUYRUQ**

“ 9 ” 11 2019 yil

№ 928

Samarqand sh.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 1019-сонли буйруғи ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Талаба (ўқувчи)лар турар жойлари фаолиятига оид намунавий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1019-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Талаба (ўқувчи)лар турар жойлари фаолиятига оид намунавий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1019-сон буйруғи ва унга мувофиқ тасдиқланган Талаба (ўқувчи)лар турар жойи тўғрисидаги намунавий Низом 1-иловаси, Талаба (ўқувчи)лар турар жойи намунавий Ички тартиб-қоидалари 2-иловаси, Талаба (ўқувчилар) турар жойида навбатчиликни ўтказиш тўғрисида намунавий Низом ва тартиблар 3-, 3.1-, 3.2-иловалари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор (О.Ғайбуллаев), барча бўлим бошлиқлари, факультет деканлари (А.Исмаилов, Б.Примов, Б.Одилов, О.Юсупов), кафедра мудирлари, ҳуқуқшунос (Ш.Тошқуватов), ёшлар иттифоқи институт БТ етакчиси (Э.Рахматов)ларга:

мазкур намунавий Низомлар асосида институт талаба (ўқувчи)лар турар жойи фаолиятига оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

талаба (ўқувчи)лар турар жойи фаолиятига оид ҳужжатларни деворий лавҳа (плакат) шаклида тайёрланиши ва талаба (ўқувчи)лар турар жойлариинг кўринарли жойидаги деворларига жойлаштириш;

мазкур ҳужжатлар билан педагог-ходимлар, талаба (ўқувчи)лар ва жамоат ташкилотлари вакиллариининг таништирилиши таъминлансин.

3. Девонхона мудирини (Б.Одилов)га:

мазкур буйруқ ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Талаба (ўқувчи)лар турар жойлари фаолиятига оид намунавий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1019-сонли буйруғи тегишли масъулларга раҳбарлик ва ижро учун етказилиши таъминлансин.




5. Институт ректорининг 2019 йил 1 апрелда тасдиқланган “Талабалар турар жойи тўғрисида”ги Низоми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 1019-сонли буйруғи.

Ректор




И. Тухтасинов

Самарқанд давлат чет тиллар институти ректорининг 2019 йил  
\_\_ ноябрдаги \_\_ сонли буйруғининг келишув варағи

**Лойиҳа киритувчи:**


Ёшлар билан ишлаш,  
маънавият ва маърифат  
бўлими бошлиғи



Ш.Суюнов


**Келишилди:**

Ёшлар билан ишлаш  
бўйича проректор



О.Ғайбуллаев

**Юрисконсулт**



Ш.Тошқуватов